МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 4 май. Шанба №38-39 (898-899) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

**Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари давлатимизнинг, ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. У халқчил, ўзини ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг вазифаларини уддалашга қодир эканини амалда исботламоқда.**

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш мақсадида амалдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши белгиланган.

Кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, айниқса, маҳалла фаоллари ва мутасаддиларининг таклифлари асосида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг лойиҳаси ишлаб чиқилганди. Яқинда ушбу қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди ва кучга кирди.

Қонундаги янги нормалар фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириб, уларнинг ваколат ва вазифаларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таҳририятимизда ташкил этилган давра суҳбатида қонун лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этган депутатлар янги таҳрирдаги қонун ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

> [2]

## ИЖОД ЭРКИНЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТ МУШТАРАК

**«Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди**



С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

**«Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, фахрий журналистлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, мазкур танлов ташкилий қўмитаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ёшлар маънавиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар асосида ахборот соҳасига доир қонунчилик тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Бу оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга кўплаб имтиёзлар берилиб, янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан ташкиллаштирилаётган тадбирларда тарғиботнинг таъсирчанлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида ўтказилаётган давра суҳбатларида тиббий кўрикнинг аҳамияти, болани кўкрак сути билан боқишнинг афзалликлари, ҳомиладорлик даврида онанинг тўғри овқатланиши каби мавзуларда аҳолига кенг қамровли тушунчалар берилмоқда. Фуқаролар йиғинларида тиббиёт муассасаси раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилган.*

*Ёш оилаларга фарзанд тарбиясида кўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда 1200 дан ортиқ «Ёш ота-оналар мактаби» ташкил этилди. Фертиль ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофазалаш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида ташкиллаштирилган «Саломатлик ҳафталиги» доирасида республикадаги 280 минг нафардан зиёд хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 115 нафарга яқини амбулатор ва стационар тартибда соғломлаштирилди.*

*Энг чекка қишлоқ, чегара ҳудудлари аҳолиси учун «Кўчма врачлик бригадалари» тузилди.*

*Хориждан ва жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқаролар ҳам тиббий кўрикка жалб этилиб, улар хонадонларида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Микронутриентлар етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган турли касалликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги билимларни ошириш мақсадида соҳа мутахассислари иштирокида йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари учун ўқув-семинарлари ташкил этилаётир.*

*Мухтасар айтганда, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдаги чора-тадбирларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви ҳам фаол иштирок этмоқда.*

Қ.ЕЛМУРОДОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси.

КОРХОНА — КОЛЛЕЖ ҲАМКОРЛИГИ

## ЭЗГУ МАҚСАД ТИЗИМЛИ ИШЛАШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

**Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган маърузасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги муаммоларга эътибор қаратиб: «Маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларининг фаолиятига одамларни, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи уларнинг ҳудудида қандай ҳал қилинаётганига қараб баҳо берилади», дея алоҳида таъкидладилар.**



Дарҳақиқат, билимдон ва ўз касбининг устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш мамлакат келажагини юксалтириш, унинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш кафолатидир. Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бу ишга астойдил киришилиб, қатор дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Энг олис қишлоқларда ҳам касб-ҳунар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ота-оналарнинг, айниқса, ёшларнинг хурсандчилиги чексиз. Уларнинг ўз севган касбини туғилиб ўсган қишлоғида, маҳалласида эгаллаши ва шу соҳада меҳнат қилишидан қанчалар завқ-шавққа тўлишини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Бу таълим масканларида мамлакатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қиладиган кўплаб мутахассислар тайёрланмоқда. Кундан-кунга ўзгариб бораётган замон талабига уйғун равишда янгидан-янги касб эгаларига эҳтиёж туғилмоқда. Шу боис бугун касб-ҳунар коллежларининг кўпчилигида меҳнат бозори талабларини ўрганган ҳолда янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилаётир.

> [3]

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

## ТАРБИЯДА АНДОЗА ВА ИБРАТ ЗАРУР

**Икромжон бугун маҳалладаги йиғилишдан изза бўлиб қайтди. Қирқ ёшни қоралаб, кўпчилик ўртасида ҳали бунақа уялмаган эди. Айни балоғат остонасида турган ўғли аллақачон ёмон ҳулқи билан маҳаллага «отнинг қашқаси»дай танилиб бўлибдию, ота бехабар. Ўйлаб қараса айб ўзида экан.**




Иш, улфатчилик билан оилага кечқоронғуда қайтади. Шунда ҳам болаларининг аҳволини тузукроқ сўраб-суриштиргани ёдида йўқ. Аксинча, уйда ҳам спиртли ичимлик ичишни давом эттириб, бу аҳвол атрофида ўралашиб юрган болаларига нотўғри таъсир кўрсатаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабди. Мана оқибати, ўсмир ўғлининг ичкилик ортидан чиқарган ҳунарлари боис маҳалладошлари олдида энди мулзам. Мулоқотдан чиқарган хулосаси битта — ҳали у отанинг оиладаги, фарзанд олдидаги бурчи ва вазифалари ҳақида ҳеч нима билмас экан. Айниқса, психологнинг сўзларидан сўнг ўсмирлар тарбияси ҳақида янада кўпроқ маълумотта эга бўлишни истади. Шу мақсадда маҳалладан қайтаётиб, тўғри китоб дўконига йўл олди.

— Маҳалламиздаги нотинч, ноқобил оилалар билан олиб борилаётган тушунтириш ишлари, суҳбатлар натижасини бермоқда, — дейди Наманган шаҳридаги «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойшахон Насриддинова. — Бунда, айниқса, «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмасининг аҳамияти беқиёс.

> [5]

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

## ҚИШЛОҚДАГИ МУРАББИЙ — ТЎРТ КАРРА ОСИЁ ЧЕМПИОНИ



— Кураш тушишга қандай қизиқиб қолгансиз? — дея сўрайман тўрт карра Осиё чемпиони, бир нечта кубок соҳибаси Дилафрўз Абдураҳимовадан.

— Ўшанда 2-синфда ўқирдим. Дугонам билан кураш томоша қилгани мактабимиздаги эски спорт залига борганмиз. Оппоқ кийимларда кураш тушаётган йигитларни кўриб роса ҳавасим келган. Кейин ота-онамни ҳол-жонига қўймадим. Биласиз, қишлоқ шароити, қиз боланинг кураш тушишини ҳамма ҳам қабул қилавермайди. Бунинг устига оилада 3 ўғилдан кейин ёлғиз қизман. Акаларим спортга қизиқмаган бир пайтда кураш тушаман, деб туриб олишим ота-онамга эриш туюлган. Инжиқлик қилаверганимдан сўнг, барибир ташлаб кетади, деган ўйда рози бўлишди.

Аммо Дилафрўзнинг бу спорт турига меҳри кун сайин ортиб борди. Ҳар сафар рақиби устидан ғалаба қозонганида қалби ғурурга тўлар эди. Ўн ёшидан республика биринчиликларида иштирок эта бошлади.

> [8]

ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

## ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТ ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛАЙДИ

**«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида кўпгина хайрли ишларни амалга оширишга улгурди.**

Мазкур нодавлат ташкилотининг Бухоро вилоятидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот маркази «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолидан тушаётган мурожаат ва сўровларни ижобий ҳал этишда ташаббус кўрсатмоқда.

Марказда ННТларнинг юқори малакали мутахассислари томонидан тасдиқланган жадвал асосида навбатчилик йўлга қўйилган бўлиб, ҳар ойда икки марта жамоатчилик кенгаши йиғилиши ўтказилади. Унда муҳокама қилиш учун келиб тушган барча ижтимоий ва бизнес лойиҳалар кўриб чиқилиб, эксперт гуруҳи томонидан баҳоланади.

Ўтган давр мобайнида марказга тушган мурожаатлар мавзусига кўра таҳлил қилинганда, асосан, уч турдаги, яъни маслаҳат олиш, ижтимоий йўналтирилган бизнес лойиҳалар ва ижтимоий лойиҳалар доирасидаги сўровлар тушгани кузатилди.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида ахборот марказида аҳолига 70 та маслаҳат берилди. 8 та бизнес лойиҳа, 2 та ижтимоий лойиҳа амалга оширилишида кўмаклашилди. Шулар орасида 15 та ҳуқуқий, 1 та таълим соҳасида, 10 та имтиёзли кредит бўйича, 8 та тадбиркорлик, 5 та саломатликни тиклаш йўналишлари бўйича сўровларга бевосита «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан моддий ёрдам ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Чунончи, «Парсиран» корхонаси раҳбари Алижон Саидов ахборот марказига мурожаат этиб, банкдан имтиёзли кредит олишда тўсиқларга дуч келаётганини айтди. Марказ ҳамда Фонднинг жамоатчилик назорати орқали тадбиркорнинг муаммоси ҳал этилиб, унга банкдан имтиёзли кредит олиб берилди. Натижада Жондор туманидаги «Сепатта» маҳалласидаги ғишт ишлаб чиқариш корхонаси янги технологиялар асосида ўз фаолиятини қайта жонлантирди. 41 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Бухоро туманидаги Сўфикоргар қишлоқ фуқаролар йиғинидан Хубон Ортиқова эса «Агробанк»нинг 22 миллион сўм кредити эвазига чорвачилик йўналишида оилавий бизнес фаолиятини йўлга қўйди. Бундан ташқари, Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи битирувчиси Мадина Ибрагимова ва Маҳлиё Эргашевага имтиёзли кредитлар ажратилди.

— Жорий йилнинг февраль ойида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда ҳудуддаги маҳаллалар билан ҳамкорликда «Ҳар кишидан бир кўчат» акциясини ташкил этдик, — дейди Ахборот маркази директори Зарина Ашурова. — Ушбу акция доирасида фонд маблағлари ҳамда аҳоли ҳисобидан беш миллион сўмлик маблағ эвазига 1500 тупга яқин манзарали кўчатлар ўтқазилди. Шаҳар ва аҳоли пунктлари ҳашар йўли билан ободонлаштирилди.

Айтиш жоизки, марказга ижтимоий кўмак сўраб келган фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фонди кўмакчи бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида Фонд ҳудудий бўлими томонидан 32 нафар имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, Бухоро шаҳри Аҳмад Дониш номидаги маҳалладан Анзила Алимқуловага, Фитрат номидаги маҳалладан Барно Ҳожиевга, Пешку туманидаги «Ўғлон» маҳалласидан Гулмира Эргашевага маблағлар ажратилди.

Фонднинг вилоят бўлими масъул котиби Фарҳод Болтаевнинг айтишича, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёшларни тадбиркорликка йўналтиришга оид ўқувлар ташкил этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш йўналишларида марказ билан ҳамкорлик қилинаётгани ўз самарасини бермоқда.

Албатта, жамоат ташкилотларининг бу каби ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, жамият тараққиёти йўлида фуқаролар ижтимоий масъулиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

< [1]



**Адҳам ШОДМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Беш боб ва 33 моддадан иборат янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларининг кенгайтирилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, қонунга бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамкорлигида ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва жисмоний имконияти чекланганларни аниқлаш, фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳақидаги нормалар ўз ифодасини топди.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар бериш билан бир қаторда, улар томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда бу борадаги кафолатларни белгиловчи алоҳида модда ўз ифодасини топди.

Маҳаллани хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролар йиғини ҳудудида хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганларга қисқа муддатли курслар ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумотлар беради, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама кўмаклашади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бу соҳадаги вазифалари ва ваколатларини аниқ белгилаш мақсадида қонунга алоҳида янги модда киритилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга ошириш ҳамда мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги салмоқли қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Қўмитамиз аъзолари Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, олимлар, амалиётчилар билан ҳамкорликда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга шарҳ тайёрлаш ишларини бошлаб юборишди.



**Отабек Абдуғаниев,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси:**

— Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-, 12- ва 13-моддаларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария ҳолати ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ваколати доирасида ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиши ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилиши, атроф-муҳитни муҳофазалашга кўмаклашиши аниқ белгиланди.

Ҳудудларни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширган ҳолда, массивларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлаш фуқаролар йиғинларига масъулият юклайди. Бунда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш, тегишли жойларнинг сув таъминоти манбалари, турар-жойлар, таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати, ёнғинга қарши хавфсизлик талаблари, жониворларни сақлашга оид ветеринария, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишида тегишли давлат органларига кўмаклашиши ҳам белгиланган.

Қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғинида ташкил этиладиган 8 та комиссияларидан бири айнан Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия, деб юритилиши ҳам эътиборга молик. Бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мазкур йўналишда жамоатчилик назорати ўрнатилишини тартибга солади.



**Робахон АБДУРАСУЛОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Янги таҳрирдаги қонунда ёшларнинг ишга жойлашишига, уларнинг ташкилотлар ҳамда ҳунармандларга бириктирилишига кўмаклашиш ҳам йиғинлар зиммасига юклатилган.

Қонуннинг 17-моддасига «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши» тўғрисидаги норма киритилди. Унга асосан, фуқаролар йиғини тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этиш ҳуқуқига эга. Маслаҳат марказлари юридик шахс ҳисобланмайди. Улар фаолияти билан боғлиқ харажатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

Маслаҳат марказларида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаролар йиғинида яшовчиларга иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ҳамда солиқ қонунчилиги асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этадилар. Шунингдек, уларга тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот берадилар. Тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда уларга кўмаклашадилар.

Қабул қилинган янги таҳрирдаги мазкур қонун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиздаги роли ва нуфузини янада оширади.



**Барчиной МАШАРИПОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида республикамизнинг турли вилоятларидаги фуқаролар йиғинларида тузилган комиссиялар фаолияти ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, баъзи маҳалла фуқаролар йиғинларида «Ариза ва шикоятлар билан ишлаш», «Бандликка кўмаклашиш», «Мудофаа ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш», «Ҳомийлик кенгаши» сингари 30 дан зиёд комиссиялар тузилган. Уларнинг аксарияти бир-бирининг фаолиятини такрорлайди. Оқибатда уларнинг фаолияти кутилган самарани бермади.

Фуқаролар йиғини комиссиялари фаолиятини ташкил этишда ягона амалиётни таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида янги таҳрирдаги қонуннинг 18-моддаси «Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси», деб номланди. Ушбу ҳужжат билан фуқаролар йиғинларида ташкил этилиши лозим бўлган комиссиялар аниқ белгилаб қўйилди. Жумладан, фуқаролар йиғинларида асосий йўналишлар бўйича қуйидаги комиссиялар тузилади:

— яраштириш комиссияси;

— маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия;

— ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;

— хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;

— вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;

— тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия;

— экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия;

— жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия.

Таъкидлаш жоизки, тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб фуқаролар йиғини томонидан йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссияларни тузишга ҳам ваколат берилди.

Тафтиш комиссияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш, таъбир жоиз бўлса, янги босқичга кўтариш жараёнида комиссиялар фаолиятини тўғри ташкил этиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги намунавий низомларни тайёрлаш ва тасдиқлаш ҳамда шу асосда барча фуқаролар йиғинида ҳозиргача мавжуд бўлган комиссияларни қонун асосида қайта кўриб чиқиш олдимизда турган долзарб вазифалардандир.

*Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамиятининг муҳим институти — маҳалла халқчил бошқарув идораси сифатида ҳаётимизга янада чуқурроқ кириб бормоқда. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун эса, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.*

Давра суҳбатини Толибжон НИЗОМОВ ёзиб олди.

# ИЖОД ЭРКИНЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТ МУШТАРАК



< [1]

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти ҳам ана шундай рағбат ва эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва «Uzreport» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур анъанавий танлов касбига садоқат, маънавий жасорат ва Ватанга муҳаббат билан ижод қилаётган журналистлар меҳнатини қадрлашда муҳим омил бўлаётир.

Ижодий беллашувнинг мавқеи, қамрови йил сайин кенгаймоқда. Бугунгача ўтказилган етти танловда 181 нафар журналист асосий ва рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди. «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун танловда 410 нафар журналист қарийб 6400 ижодий иши билан қатнашди.

Ғолибларни тақдирлаш, танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

Танловнинг Бош миллий мукофотини қўлга киритган «Самарқанд — СТВ» телевизион ижодий уюшмаси махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

— Мамлакатимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди «Самарқанд — СТВ» телевизион ижодий уюшмаси директори Аъзамжон Салоҳиддинов. — Хусусан, бугунги кунда теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда. «Олтин қалам»дек нуфузли танловнинг Бош миллий мукофоти бизга берилиши ҳам юртимизда нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ахборот соҳасини демократлаштириш, жамиятимизда фикрлар ранг-баранглигини таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яққол ифодасидир.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича совриндорлари ҳам диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Жаҳон банки, «Минтақавий мулоқот» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**



С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

**Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот**

**«Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси**

— директори **Аъзамжон Салоҳиддинов.** Мамлакатимизда нодавлат электрон ОАВни ривожлантириш ва ахборот соҳасини демократлаштиришга қўшаётган ҳиссаси ҳамда вилоятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид долзарб мавзудаги таҳлилий-танқидий кўрсатувлари учун.

**Асосий номинациялар**

**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

**1-ўрин:**
**Элмурод Бозоров**

— ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси. Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар таҳлили мисолида тинчлик ва барқарорликни қадрлашга даъват этувчи, айниқса, ёшларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган «Тинчлик учун курашмоқ керак» рукнидаги кўрсатувлари учун.

**2-ўрин:**
**Дилшод Бўриев**

— ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ободонлаштириш ва коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга оид «Очиқ мулоқот» туркумидаги таҳлилий-танқидий материаллари учун.

**3-ўрин:**
**«Рухсор» телерадиоканали (Фарғона вилояти)** — ижрочи директори **Дилшодбек Йўлдошев.** Вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, «Мустаҳкам оила йили» ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси кенг ёритилган туркум кўрсатувлари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

**1-ўрин:**
**Гулбаҳор Давирова**

— ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси. Мамлакатимизда ва дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал- иқтисодий, маданий жараёнлар ва долзарб воқеалар тезкор ёритилган, шунингдек, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари учун.

**2-ўрин:**
**НРТ радиоси «Кун тафсилоти» дастури ижодий гуруҳи**

— раҳбари **Нигора Хўжаева.** Республикамиз ҳаётининг турли жабҳаларида рўй бераётган янгиланишлар, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар кенг ёритилган эшиттиришлари учун.

**3-ўрин:**
**Дилдора Мардиева**

— «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ Маданий-маърифий, илмий-оммабоп ва таълим дастурлари муҳарририяти катта муҳаррири. Жисмонан соғлом, маънан юксак, билимли ёшларни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, менталитетимизга зид турли ёт таъсирлардан асраш масалаларига бағишланган «Нуқтаи-назар» ва «13-студия» туркум эшиттиришлари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):**

**1-ўрин:**
**«Ваш налоговый консультант — Солиқ Инфо» газетаси таҳририяти**

— бош муҳаррири **Феруза Ҳакимова.** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг мазмун-моҳиятини, соҳадаги янгиликларни аҳолининг турли қатламларига тезкорлик билан етказишга қаратилган фаолияти учун.

**2-ўрин:**
**«Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти**

— бош муҳаррири **Фармон Тошев.** Республика ва вилоят ҳаётидаги демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг ёритилган ҳамда жамиятда учраб турадиган муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилган материаллари учун.

**3-ўрин:**
**Анвар Қулмуродов**

— «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири ўринбосари. «Мустаҳкам оила йили» ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар кенг ёритилган мақолалари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):**

**1-ўрин:**
**Меҳрибон Маметова**

— Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририяти етакчи муҳаррири. Давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик тадбирлардан тайёрлаган репортажлари, таҳлилий мақолалари, шарҳлари, тезкор хабарлари учун.

**2-ўрин:**
**Давронбек Тожиалиев**

— «ziyouz.com», «ziyouz.uz» веб-сайтлари бош муҳаррири. Халқимизнинг кўп асрлик маънавий қадриятлари, маданиятини кенг тарғиб қилиш, миллий манфаатларимизни ҳимоялаш, ёшларни турли ахборот хуружлари, жумладан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан асрашга қаратилган журналистик фаолияти учун.

**3-ўрин:**
**Александра Терехина**

— «Учитель Узбекистана» газетаси мухбири. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир туркум мақолалари учун.

**Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:**

БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

**Мингйиллик ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш масалалари ёритилган энг яхши материал учун:**

**Азамат Суюнов**

— Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бирлашган таҳририяти масъул котиби.

ЮНЕСКО

**Барқарор тараққиёт: таълим, фан ва техника масалалари бўйича энг яхши таҳлилий материал учун:**

**Муталибжон Каримов**

— Фарғона вилояти Қўштепа тумани «Истиқбол йўли» газетаси масъул котиби.

ЕХҲТ

**1. «Гиёҳвандлик — хавфсизликка трансмиллий таҳдид» мавзусидаги энг яхши материал учун:**

**Георгий Петросян** — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти масъул котиби ёрдамчиси.

**2. «Одам савдоси — хавфсизликка таҳдид» мавзусидаги энг яхши материал учун:**

**Наргис Қосимова**

— Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети доценти.

ЖАҲОН БАНКИ

**«Халқ таълимига киритилган инвестициялар» мавзусидаги энг яхши материал учун:**

**Улуғбек Асроров**

— «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси.

«МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТ» (Словения)

**Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши журналистик материал учун:**

1. **«Диёнат» газетаси таҳририяти** — бош муҳаррир **Исроил Юсупов.**

2. **Тошпўлат Раҳматуллаев** — фахрий журналист.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

**«Обод турмуш йили»га бағишланган энг яхши журналистик материал учун:**

1. **Алланазар Абдиев** — «Маданият ва спорт» газетаси бош муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси).

2. **Муҳаммаджон Мақсудов** — Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори.

КОРХОНА — КОЛЛЕЖ ҲАМКОРЛИГИ

# ЭЗГУ МАҚСАД ТИЗИМЛИ ИШЛАШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ



< [1]

Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 4 та академик лицей ва 47 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилда бу муассасаларда 120 йўналишда 17947 нафар мутахассис тайёрланди. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда меҳнат ярмаркалари, айниқса, қўл келмоқда. Мустаҳкам оила йили давомида 41 та ана шундай ярмарка ташкил этилиб, уларда 1506 та корхона ва ташкилот 7206 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Натижада 2301 нафар коллеж битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди.

— Ўтган 2011-2012 ўқув йили битирувчиларининг 16589 нафари ишга жойлаштирилди, — дейди Навоий вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Олим Бобомуродов. — Коллеж битирувчиларини аниқ иш билан таъминлашни тизимли ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлигида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш жараёнини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш учун тегишли бошқарма, идораларнинг мутахассислари, маҳалла тузилмалари вакилларидан иборат ишчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилди. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Касб-ҳунар коллежлари куни», деб белгиланди.

Вилоятнинг барча туманларида корхона — коллеж ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг натижаси «Касб-ҳунар коллежлари куни»да маҳаллий ҳокимликлар томонидан таҳлил этилмоқда.

— Битирувчиларни иш билан таъминлашда уларни тадбиркорликка йўналтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дея сўзини давом эттирди О.Бобомуродов. — Ўтган йили шу мақсадда тижорат банклари томонидан 1 миллиард 482 миллион сўм кредит ажратиш белгиланган ҳолда, амалда 4 миллиардан зиёд кредит йўналтирилди. Айни пайтда 374 нафар ёш тадбиркор паррандачиликни йўлга қўйган, 178 нафари исссиқхонага эга, 157 нафари тикувчилик, 199 киши чорвачилик билан шуғулланяпти. Шунингдек, ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқараётганлар ва сервис хизмати шохобчалари очганлар ҳам талайгина.

Бу борада, айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддиларининг жонбозлиги эътиборга молик. Негаки, йиғинлар ҳудудида тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилиши аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимлик ҳамда ҳудудий бошқарма мутасаддилари астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бироқ масаланинг бошқа бир жиҳати кишини ташвишлантиради. Нима учун 2011-2012 ўқув йилида вилоят касб-ҳунар коллежларини туғаллаган 17947 нафар йигит-қизнинг бор-йўғи 7040 нафари, яъни 39,2 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди? Уларнинг 4,3 фоизи олий ўқув юртларида ўқишни давом эттираётгани, 5,7 фоизи ўз бизнесини йўлга қўйганини ҳисобга олсак, юқоридаги кўрсаткич мақтанишга ҳали эрта эканлигини кўрсатади. Ахир, касб-ҳунар коллежларини ташкил этишдан, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтишдан мақсад, биринчи галда, етук кадрлар тайёрлаш эмасми? Нега бултур вилоят касб-ҳунар коллежларини туғаллаган битирувчиларнинг 50 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишламаяпти? Тўғри, уларнинг орасида турмушга чиққан қизлар, оилавий шароити туфайли ишлашни истамаётганлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ бу вазиятни юмшатмайди.

— Бу йилги битирувчилар бундай муаммога дуч келишмайди, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ходими Ойбек Абдиев. — Жорий йилда меҳнат бозори талабларини ўрганган ҳолда коллежларимизда «қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича техник-технолог», «махсус ёритиш механиги», «сув-газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш устаси», «интерьер ва мебеллар дизайнери», «ер тузувчи ва геодезия ишлари техниги», «ихтиолог», «зоотехник асаларичи» йўналишларида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Жорий йилда вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини 18011 нафар йигит-қиз турли мутахассисликлар бўйича туғаллайди. Ишлаб чиқариш амалиётига жалб этиш ва кейинчалик иш билан таъминлаш мақсадида улар 4259 та корхона, ташкилот ва муассасаларга бириктирилди. 17618 нафари, яъни 97,8 фоизи билан уч томонлама шартномалар тузилди. Битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида 40 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этиш режалаштирилган. Ҳозиргача 7 маротаба ана шундай ихтисослаштирилган ярмарка ўтказилди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига асосан, мингдан зиёд битирувчиларга 3,5 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган эди. Бироқ вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг ташаббуси билан бу кўрсаткич 8 миллиард сўм қилиб белгиланди. Ҳозиргача 266 нафар битирувчи 1 миллиард 839 миллион сўм кредит маблағи билан таъминланди ва амалиёт давридаёқ тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштиришдек муҳим масала мутасаддиларнинг доимий диққат-эътиборида.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ИЗЛАГАНГА ИМКОН КЕНГ

# Меҳнат қилган рағбат топади



А.ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

**Ургут тумани уста-ҳунармандлар, косиблар, каштадўзлару тадбиркорлар маскани. «Хўжагузар» маҳалласида истиқомат қилаётган Мавлуда Ҳамдамова ҳам каштачилик сирларини ёшларга ўргатяпти.**

— Тумандаги «Бешқарсак» фольклор-этнографик ансамбли томошаларида ўзимнинг кашталарим билан қатнашиб келаман, — дейди М.Ҳамдамова. — Имкон қадар соҳани ривожлантириш ниятидаман.

Ҳунарманд каштадўзликнинг қирқдан зиёд турини қўллаб келмоқда. У тайёрлаган камзул, халат, отёпинчиқ, бешикпўш, чойнакпўш, каштали сумка, ҳамён сингари буюмлар доимо харидоргир.

Мавлуда опага 200 нафарга яқин қиз кўмакдош. Улар Самарқанд вилоятининг турли туманларида хусусий корхоналар ташкил этишган.

— Меҳнат қилган, албатта, рағбат топади, — дейди Мавлуда Ҳамдамова. — Ўзимдан мисол: 2010 йилда 96 турдаги кашта тикиб, 11 миллион сўмга сотган эдим. 2011 йилда 16 миллион сўмлик, 2012 йилда эса 156 турдаги қарийб 21 миллион сўмлик маҳсулотимиз ўз эгасига етиб борди. Каштадўзликнинг заҳмати ҳам, даромади ҳам кам эмас. Бу касбни ўрганаётганлардан фақат сабр ва ирода талаб этилади.

Унинг саъй-ҳаракатлари ва олаётган даромади ургутлик ёшларнинг қизиқишини оширди. Шу мақсадда, ҳунарманд-тадбиркор Ургут қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида каштачилик тўгараги машғулотларини йўлга қўйди. Бу эса, ёшларга каштачиликнинг сир-асрорларини ўрганиш имконини берди.

Дастлаб уй шароитида иш бошлаган Мавлуда Ҳамдамова фаолиятини кенгайтириб, кейинчалик Самарқанд шаҳрида цех ташкил этди, натижада қирққа яқин хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Айни кунда ҳунарманд аждарнусха, қуёшнусха, қалампирнусха, сўзана, анорнусха, болишпўш, рўйжой, зардевор каби ҳам қадимий, ҳам замонавий каштачилик турларини тикиш ва ёшлар ўртасида ҳунар нозикликларини тарғиб этиш билан машғул.

Одил СОРМОНОВ.

АНЪАНАНИ АРДОҚЛАБ

# ҒОЯТ НАФИС ВА ХАРИДОРГИР

**Кулолчилик — қадимий ҳунар. Азалдан обод ва файзли турмуш кечиришга интилган халқимиз рўзғор юмушларида, хонадонларни безатишда сопол буюмлардан кўп фойдаланган.**

Шамдон, сархона, хум, кўза, гулдону лаганлар мамлакатимиз кулолчилик мактабларида турлича тайёрланса-да, улардаги нафис нақшлар, ранглар уйғунлиги, шакл ва кўринишлар ҳунармандларимизнинг нозик диди ва бой тасаввуридан далолат беради, кўрган кўзни қувнатади.

Президентимизнинг «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳунармандчиликнинг барча соҳалари қатори кулолчилик анъаналарининг ривожланишига ҳам туртки берди. Айни пайтда энг чекка ҳудудлардаги лой усталари ҳам фаолиятларини кенгайтириш, ижод намуналарини юртимиз аҳолиси эҳтиёжидан ташқари, жаҳон бозорига ҳам дадил олиб чиқиш ҳаракатидалар. Қувонарлиси, маҳаллаларда тобора кенг қулоч ёяётган оилавий корхоналар орасида бобомерос ҳунарини йўлга қўйиш орқали баракали даромадга эга бўлаётган кулоллар сони ортмоқда.

Термизлик Хайрулло Жўраев лойга ишлов беришда беназир. У кулоллар сулоласининг еттинчи авлоди эканидан фахрланади. Оғир даврларда ҳунар сир-синоатларини авайлаб, авлоддан-авлодга етказиб келган ота-боболарининг армонлари ёш кулол фаолиятида ушаляпти, меҳнати қадр топяпти. Жўраевлар бугун оилавий устахонасига, Ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуасида кулолчилик буюмлари сотиладиган дўконига эга.

Дўкондаги буюмлар орасида Хайруллонинг ижодий ишлари ўзига хос — сирланмаган, асл табиий ҳолатда, минг йиллик топилмаларни ёдга солади, ортиқча безаклардан холи. Аммо ғоят нафис. Шу боис Сурхон диёрига ташриф буюрган сайёҳлар борки, мабодо бу дўконга киргудек бўлса, албатта, нимадир харид қилади. Юртимиз тарихи, маданиятидан эсдалик сифатида буюмларни қадрлайди, ёш устага миннатдорлик билдиришади.

— Сурхондарё энг қадимги инсоният манзилгоҳларидан бири сифатида, дунёга машҳур, — дейди Хайрулло Жўраев. — Мен археологик қазишмаларда топилган сопол буюмларни кўриб жуда ҳайратланганман: бежирим, ниҳоятда нозиклик билан ишланган. Айниқса, минглйиллик сопол товоқнинг хусусиятлари, овқатни сифатли сақлаши жуда ғаройиб. Шу боис ана шундай буюмлар ясашга қарор қилдик. Оиламизда 1994 йилдан бошлаб ҳунармандчилик асосидаги тадбиркорлик йўлга қўйилган. Президентимизнинг соҳага қаратаётган катта эътибор ва ғамхўрликлари, қулай шарт-шароитлар боис фаолиятимизни кенгайтирдик. Натижада маҳсулот турлари кўпайиб, даромадимиз чўғи ошди.

Дарҳақиқат, сирланмаган сопол идишларнинг хусусиятлари бисёр. Жумладан, бундай хумларда сақланган сув таркибидаги ортиқча тузлар маълум муддат ўтгач идиш сиртига чиқиб, оқариб қолади. Яъни сопол хум сувни тозалаб, фильтрлаб қўяди. Сопол идишдаги сутдан кўп қаймоқ ҳосил бўлади. Қатиқ солсангиз, идиш ортиқча моддаларни «сўриб» олгани боис, мазаси янада яхшиланади. Кулолнинг ижодий ишлари орасида бундай буюмлар жуда кўп.

Қадимий осма гултувак шулар жумласидан. Бундай тувакда гул тез ўсади, илдизлари эмин-эркин, яйраб «нафас олади». Кулол бу қадимий буюмга замонавий руҳ сингдиролгани, ўз тасаввурлари асосида янгича кўрк бергани боис қадимий гултувакка ишқибозлар сони ортиб боряпти.

Замонавий уй-рўзғор буюмларидан бири — сопол товага қизиқиб қолганлар ҳам бисёр. Энг қизиғи, бу товада пишган балиқли таомлар, қайнатма шўрваларнинг таъми тотли, дармондорилари ўзида сақланган ҳолда бўлади. Изланувчан кулол яқинда сопол тунчироқ ҳам ясади. Унинг айтишича, бундай тунчироқлар нафақат хонага осудалик ва романтик руҳ беради, балки уй ҳавосини тозалаб, кишининг мириқиб ухлашини ҳам таъминлайди.

— Жўраевлар маҳалламиздаги энг ибратли оилалардан, — дейди Термиз шаҳридаги «Ишчилар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нуриддин Зойиров. — Ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратиш, камтаринлик ва саховатни одат қилган бу ҳунармандлар хонадони ҳудудимиздаги 588 та оилага ҳар жиҳатдан ўрнак. Кейинги йилларда маҳаллаларда ривожланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ютуқларини бизнинг маҳаллада ҳам кузатиш мумкин. Аксарият оилаларда тикувчилик, бешиксозлик, гиламчилик каби ҳунарларни эъзозлаш орқали тадбиркорлик йўлга қўйилган. Яқинда бир тадбиркорнинг ғишт ишлаб чиқаришни бошлагани аҳолига қулайлик туғдирди. Маҳалланинг имкониятлари, ваколатлари тобора кенгайиб бораётгани зиммамиздаги масъулият ҳиссини оширяпти. Жумладан, ҳунарманд тадбиркорларга ҳудудимиздаги ёшларни бириктириш, хусусан, кам таъминланган оила фарзандларини жалб этиш орқали ҳам бандлик муаммосига, хонадонлардаги иқтисодий тақчилликни камайтиришга эришаётирмиз.

Хайрулло Жўраев яқинда пойтахтимизда Обод турмуш йилига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия, «Ҳунарманд», «Тасвирий ойина» уюшмалари, «Олтин мерос» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Ёш кулоллар» республика кўргазмасида муваффақиятли иштирок этди. Кўргазмада унинг ижодига қизиқиш билдирганлар, ҳунарманд билан ҳамкорлик қилишни таклиф қилганлар кўп бўлди. Бундай эътибор эса ёш ҳунармандга илҳом, куч ва ғайрат бағишлаши шубҳасиз.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

НАМУНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР

# Кўркам ҳовлилар — маҳалла файзи



**Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Хоразм вилоятида ҳам кенг қамровли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир.**

Ўтган йили замонавий лойиҳа асосида қурилган 680 та ҳовли фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда намунавий лойиҳа асосида яна 730 та уй-жой бунёд этиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

— Хонқа туманидаги Олажа қишлоғининг «Истиқлол» маҳалласида қурилган ҳовлилардан биттасини олдик, — дейди Аҳмаджон Абдуллаев. — Бу ерда барча қулайликлар муҳайё. Бундан жуда миннатдормиз. Янги уйга келин тушириш тараддудидамиз.

Бу йил «Истиқлол» маҳалласида яна 20 та намунавий уй-жой қурилиши кутиляпти. Туманнинг Мадир қишлоғида эса Хотира ва қадрлаш куни байрами арафасида 37 та замонавий ҳовли-жой фойдаланишга топширилади.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# «Шалола»да янги корхона

**Олтиариқ туманидаги «Шалола» маҳалла фуқаролар йиғинида иш бошлаган янги корхонада ҳудуддаги ўнлаб ёшлар кафолатли иш билан таъминланишди.**

Маҳалла фаоли Сеҳриё Юсупова ташаббуси билан ташкил этилган «Бонужон юлдузлари» хусусий корхонаси хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Ишчилар малакасини ошириш мақсадида вилоят марказида ўқув ва амалиёт машғулотлари ташкил этилди.

— Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида яқин кунларда тикув дастгоҳлари сонини яна 10 тага оширамиз, — дейди С.Юсупова. — Натижада 30 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ОБОД МАНЗИЛЛАР

# ЯНГИ РЕЖАЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

## тоғли Чаканднинг замонавий қиёфасини яратаётир

**Чаканд қишлоғи мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан. Вилоят марказидан 120 километр узоқликда жойлашган бу манзилда чакандликлар якдил, аҳил яшайди. 800 нафар кишидан иборат аҳоли бир ёқадан бош чиқариб обод ва фаровон ҳаётга эришиш учун интилаётир.**

Чаканд деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай. Чунки ҳудуд Туркистон тизма тоғлари этагида жойлашган, асосий майдони қир, адирлардан иборат. Ҳар хонадонда 5-10 бошдан қорамол, 35-40 бошдан қўй-эчки боқилаётгани туфайли дастурхонлардан сут-қатиқ, қаймоғу сариёғ аримайди. Чарос узумлар, пўсти юпқа ёнғоғу бодомлар, қирмизи олмалару серсув анорлар етиштиришда чакандликлар уста. Айтишларича, қадимда қишлоққа ташриф буюрган бир меҳмон мевалардан татиниб: «Чи қанд», яъни «Худди қандек», дея мақтаган ва қишлоқ Чаканд деб атала бошланган.

Бу ерда сархил мевалар етиштириш ҳозиргача диққат марказида. Жумладан, шу йилнинг ўзида ҳашар уюштирилиб, 30 гектар майдонга 2000 туп узум, 3000 туп олма кўчати ўтқазилди, боғ яратилди. Булоқларнинг зилол суви аҳоли томорқаларига, боғларга малҳам. Одамлар ҳар йили кўкламда булоқларнинг кўзларини очишга, сув йўлларини тозалашга одатланишган.

— Аҳолининг салкам 80 фоизи олий маълумотли кишилар, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Янгиобод тумани бўлинмаси раиси Ҳайитбой Усмонов. — Ёшлари ориятли, бир сўзли, билимга чанқоқ. Уларнинг қишлоқ, Ватан тарихини пухта эгаллашлари учун тарих ва ўлкашунослик музейини бунёд этишга жиддий киришилган. Музей биноси таъмирланяпти, осори-атиқалар — сув, дон-дун сақлашга мўлжалланган 10 дан ортиқ турли сопол кўза, ёнғоқ ёғочидан тайёрланган катта-кичик келилар, мис обдаста, човгум, қумғон, чойдишлар, 1927 йилда ишлаб чиқарилган темир ғилдиракли трактор, ўтмиш манзаралари тасвирланган фотосуратлар, газеталардан қирқиб олинган мақолалар, шу қишлоқ фарзандлари томонидан битилган китоб ва рисолалардан иборат экспонатлар аллақачон жамланган. Музей ёшларни она-Ватанга муҳаббат, оталар анъанасига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг салоҳиятини хайрли ишларга йўналтиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Обод ва сўлим қишлоқ кун сайин чирой очмоқда. Умумтаълим мактаби, болалар боғчаси, 2 та сартарошхона, савдо дўконлари ва расталар, туман марказий касалхонаси, Агроиқтисодиёт коллежи, ун ва омихта ем тегирмони, ошхона ва чойхона Чаканднинг замонавий жамолига зеб бераётир. Ёшларнинг аксарияти спорт ва санъат турлари билан шуғулланади. Компьютерлар интернетга уланган. Каттагина стадион футбол, валейбол, баскетбол, югуриш ва бошқа спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар майдонига айланган.

— Йиқилганни суяш, бировнинг мушкулини осон қилиш, хайрли тадбирларга кишиларни сафарбар этишдек анъаналар чакандликларнинг азалий одати, — дейди Чаканд қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фароғат Назарова. — Кимдир қишлоқ ободлиги учун маблағ ажратса, бошқалар унинг ортидан эргашади. Катта миқдорда жамғарилган бу сармоялар ёрдамга муҳтожлар корига яраб, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаётир.

Пастки, Юқори, Янги қишлоқ, Маҳалла, Чор ҳаммом, Чуқурак, Зоғчакул гузарлари аҳолиси ўз етакчиларига эга. Улар тўй ва маъракаларда, катта-кичик йиғинларда бамаслаҳат иш юритишади, барча масалаларга ечим топишади. Шу боис бу қишлоқда газ таъминоти ва электр энергиясида асло узилиш бўлмайди. Чунки газ ва электр ҳақини бу ерда доимо олдиндан тўлашади.

Айни пайтда Чакандда янги режалар, истиқболли лойиҳалар устида иш қизғин. Кулолчилик, сутни қайта ишлаш цехи, Тагобсойнинг бир қисмини бўғиб балиқчилик хўжалигини ташкил этиш ҳақидаги таклифлар атрофлича муҳокама этилаётир. Бу ишлар амалга ошса, 100 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Чакандликлар қаерда яшаши ва ишлашидан қатъи назар, қалбда она қишлоғига чексиз меҳр, фахр туйғуси уфуриб туради.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»



АНЖУМАН

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Сел-тошқин ва ер кўчкиси каби табиий офатлар нафақат кишиларга, балки экин майдонлари, турар-жойлар, озиқ-овқат манбалари ва коммуникация тизимларига ҳам кескин зарар етказади.**

Германиядаги «Мюник Ре» суғурта компаниясининг ҳисоботида айтилишича, дунё мамлакатлари иқтисодига биргина ўтган йилнинг ўзида табиий офатлардан 122 миллиард евро қийматида зарар етган. Инсоният табиий офатларни тўхтатишга ожиз, аммо уларнинг олдини олиш учун пухта тайёргарлик кўрилса, талафот деярли кузатилмайди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий офатлар билан боғлиқ ҳодисалардан муҳофаза қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ходимларига батафсил маълумот берилди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари, полковник Х.Абдулазизов таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 февралда қабул қилинган «2013 йилда сел-тошқинлар ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Дарҳақиқат, аҳолини турли табиий ва техноген хавф-хатарлардан муҳофаза қилиш, бахтсиз тасодифларнинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам тизим шакллантирилиб, соҳани янада такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилаётир.

Хусусан, жорий йилда Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги табиий офат хавфи мавжуд ҳудудларда яшаётган аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш, уларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш, маҳаллий давлат идоралари тасарруфида бўлган дарё ва сойларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тозалашга қарийб 12 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисаларининг хавфини ўрганиш, мониторинг ва прогноз ишларини олиб бориш мақсадида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси мутахассислари билан ҳамкорликда Тошкент, Наманган ва Қашқардарё вилоятларида беш маротаба аэровизуал кузатув амалга оширилди.

Соҳа мутахассисларининг билим, кўникма ва тажрибасини ошириш мақсадида замонавий ахборот коммуникация технологиялари, янги авария-қутқарув ускуналаридан фойдаланилган ҳолда махсус машғулотлар ўтказилмоқда.

Баҳор-ёз мавсумида сел оқимлари ва сув тошқинларини талафотсиз ўтказиш, юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида тезкор штаблар ташкил этилиб, улар алоқа ва автотранспорт воситалари билан таъминланди.

Хавфли ҳудудлардаги вазиятни назорат қилиш мақсадида республика бўйича жами 119 та назорат-кузатув пости ташкил этилди.

Бундан ташқари, уяли телефон операторлари орқали аҳолига об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва фавқулодда вазиятларнинг содир бўлиш эҳтимоли тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда «SMS» хабарлар шаклида жўнатилмоқда.

Корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида ва маҳаллаларда уюштирилаётган учрашув ва давра суҳбатларида юртдошларимизга фавқулодда вазиятлар пайтида тўғри ҳаракатланиш қоидалари ўргатилиб, атрофдагиларга ёрдам кўрсатиш бўйича тушунчалар берилаётгани натижасида аҳолининг бу борадаги билим ва малакаси ошиб бораётир.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

# ЎЗГАРИШЛАР САВОДХОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ

**Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.**

Шу маънода маҳалламизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиш, турмуш тарзимизни оқилона ташкил этиш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғини қошидаги комиссиялар таркибига ҳуқуқий билимга эга маҳалладошлар аъзо этиб сайланган. Улар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда Президентимиз Ислом Каримов томонидан демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар, социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар самараси бўйича тарғибот ишлари олиб бормоқдалар.

Фуқаролар йиғини қошида жамоатчилик асосида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» фаолият кўрсатмоқда. Туман прокуратураси, суди, ички ишлар бўлими маҳалламиз ҳудудида жойлашгани бу идоралар ходимлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишимизда қўл келмоқда. Улар кўмагида қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги ҳуқуқий қоида ва тамойиллар ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса, маҳалланинг жамият равнақини таъминлашга катта ҳисса қўша оладиган, фуқаролар ўртасида тинчлик, осойишталикни сақлашда, турмушимизнинг кун сайин обод, фаровон бўлишида етакчи бўғинлардан бири сифатида шаклланаётганидан далолат беради.

Бандлик муаммолари ҳам изчиллик билан ҳал этилмоқда. Кейинги икки йилда маҳалламизда вояга етмаганлар ўртасида бирорта жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилмагани, ажримлар юз бермагани ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижаси, деб ўйлайман.

Маҳалламизда ҳар бир масала ошкора муҳокама этилади ҳамда инсонпарварлик ва адолатпарварлик тамойиллари асосида ечимини топади. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, нафақа тайинлаш тартиби, маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш вазифалари кенг жамоатчилик назорати остида ижобий ҳал этилмоқда.

Яқинда касалхонада даволанаётган маҳалладошимиз зарур дори-дармонларни сотиб олишга имкони йўқлигини айтиб қолди. Суриштирсак, ногиронлик нафақасидаги бу беморга айрим дори-дармонлар бепул берилиши лозимлиги маълум бўлди. Демак, фуқароларимиз ўзларининг ҳуқуқий билимини ошириб боришга интилсалар, ҳаётда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила оладилар.

Маҳалламизда етти юз қирқта хонадон бор. Уларнинг фаровон яшаши учун зарур имкониятлар яратилмоқда. Яқин келажакда ҳудудимиз янада обод, кўркам бўлади.

Шаҳарни янгидан қуриш бош режасига кўра, қадим Хивага кираверишдаги маҳалламизда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Бу режалар рўёби аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

**Ғайрат ЮСУПОВ,
Хива шаҳридаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВҒОСИ

# ЧЕТ ЭЛДА ПУЛ ТОПАМАН ДЕБ...

**Ҳар биримиз кундалик турмушда бирор маҳсулот харид қилиш учун савдо-сотиқ қиламиз, оиламиз камини тўлдирамиз.**



Бироқ бугунги кунда инсоннинг ўзи турли жиноий тўдалар, нафсига қул кимсалар томонидан савдо ашёсига айлантирилаётгани ачинарли ҳолдир.

Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ҳамза тумани бўлинмасида «Одам савдоси ва унинг оқибатларининг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни ва роли» мавзуида ўтган тадбирда ҳам шулар ҳақида сўз борди. Унда Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлиги, туман ҳокимлиги, прокуратура, ИИБ вакиллари ҳамда Фонднинг Ҳамза тумани бўлинмаси ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад аҳоли орасида одам савдосининг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш, ёшларни зарарли оқимлар таъсиридан асраш ва бу борада фуқаролар йиғинларининг вазифаларини кучайтиришдан иборат.

Йиғилишда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги масъул ходими Ҳасан Шорустамов сўзга чиқиб, ноқонуний меҳнат фаолиятининг зарарли оқибатлари ва унинг олдини олиш чораларига тўхталди. Агентликнинг «Чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун тавсиянома»си хорижга ишлашга кетаётганлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбир тумандаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида «Одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари», «Чет элда пул топаман деб қулликка тушиб қолманг» мавзуларидаги давра суҳбатларига уланиб кетди. Жумладан, бизнинг Ал-Бухорий номидаги маҳаллада ҳам кўча бошлиқлари, уйбошилар ва чет элда ишлаш ниятида юрган фуқароларга таклиф этилиб, тушунтириш ишлари ўтказилди.

Инсон учун энг катта бахт ўз оиласи, фарзандлари бағрида, хотиржамлик билан ҳаёт кечириш эканини ҳар биримиз тўғри англасак, ташвишу кулфатларга йўлиқмаймиз.

Тадбирда маҳалла мутасаддилари ва фаолларига ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ҳамкор ташкилотлар томонидан зарур қўлланмалар тарқатилди.

**Зайнаб ҒАНИЕВА,
Ҳамза тумани Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

# Коммунал хизматлардан қарзингиз йўқми?

**Қарз оиладан баракани кўтаради. Айримлар ён-атрофидагилардан олган қарзи ҳақида бош қотиради, лекин мол-мулк, фойдаланаётган хизматлари ҳақини ўз вақтида тўламаслиги оқибатида келиб чиққан қарздорлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.**

Тўлов маблағларининг давлат бюджетига қўшилиб, ўзимиз учун стипендия, маош, нафақа сифатида қайтишини ҳисобга олсак, уларни ўз вақтида тўлашимиз зарурлигини англаймиз.

Бу масалада оилалар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда энг яхши кўмакчи фуқаролар йиғинларидир.

Мирзо Улуғбек тумани «Катта Олтинтепа» маҳалласида ҳам коммунал тўловларнинг ўз вақтида тўланиши ҳамда бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ишлар намунали тарзда ташкиллаштирилган. 4 минг нафарга яқин аҳолини жамлаган бу ҳудуддаги мингдан зиёд оила ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилади. Зеро, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йиғини кенгаши коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ ва ўз вақтида, ҳисоб-китобини банклар орқали тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда уюштириб, назоратга олиши белгилаб қўйилган.

— Кам таъминланган оилаларга коммунал хизматлар ҳақини тўлашда маҳалла ва ҳомийлар кўмагидан фойдаланиб, ёрдам кўрсатилади, — дейди «Катта Олтинтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Каримов. — Яқинда бир хонадонда қарздорлик ҳолати аниқланди. Мутасадди ташкилот вакили қарздор оиланинг моддий аҳволини билмаслиги мумкин. Шунинг учун биз йиғиндагилар бу муаммони ҳал этишга ўз вақтида кўмаклашиб, тўловларнинг маълум фоизини тўлаб, қолган қисмини кейинроқ узишига кафиллик бердик.

Бу каби оилаларга ёрдам тариқасида моддий маблағлар билан бир қаторда, қўшимча ишлар ҳам таклиф этилади. Уларнинг кўпчилиги маҳаллада жойлашган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига ишга жойлаштирилиши туфайли қўшимча даромад топишаётир.

Маҳалладаги ҳар бир йиғилиш якунида коммунал хизмат соҳасида учраётган муаммолар таҳлил этилиб, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилади. Аҳолига етарли шарт-шароит яратиб берилган экан, демак, бу хизматларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаш зарурлиги тушунтирилади. Шу боис ҳудудда муттасил қарздорлар деярли йўқ.

«Катта Олтинтепа»да бу каби ишлар, асосан, кўчабошилар зиммасида. Улар ҳовли-жой эгалари ва кўпқаватли уй бошлиқларига қарздорликнинг салбий оқибатлари, тўловни йил бошида тўлаб қўйиш (агар тўлов нархи ошса ҳам ҳеч қандай қўшимча фоиз ундирилмаслиги) оила бюджетига наф келтиришини тушунтирадилар. Тўртариқ, Қайнарсой, Норин кўчаларидаги хонадонлар тўловлар бўйича қарзи йўқлиги билан ибрат кўрсатиб келаётир.

«Катта Олтинтепа» маҳалласида турмуш шароити яхши бўлса-да, тўловни ортга суриб келаётганлар ҳам учрайди. Бу ҳаракатлари нотўғри эканини тушунтириш учун улар йиғин ҳузуридаги Кенгашга чақирилади. Кенгаш аъзолари маҳаллада ҳурматга сазовор, барчага гапи ўтадиган кишилар. Кўрсатилаётган коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламай, қарздор бўлиб юрганлар йиғилишда огоҳлантирилади. Бир марта изза бўлган киши ўзига тегишли хулоса чиқариб олаётгани, муаммоларнинг маҳалла ҳудудидаёқ ҳал этилиб, ўз ечимини топаётгани фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларига самарали ёрдамидан далолатдир.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Қонунлар — ҳар қандай жамият ва давлатнинг ривожланишида барча муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситаси. Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этган аграр секторни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилмоқда.**



Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида бошлаб юборилган кенг қамровли ишлар соҳага оид қонунларни янада такомиллаштиришни тақозо этаётир.

Фарғона вилоятида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг «Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёнида аграр соҳа қонунчилигини такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги онлайн матбуот анжуманида бу борадаги ишлар кўламига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермерлик фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш, мулкдорлар синфини шакллантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромадларни кўпайтириш имконини берувчи амалдаги қонунларни таҳлил этиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар билан ўртоқлашилди.

Айниқса, қўмита томонидан аҳоли ўртасида қонунчиликни тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор берилиб, бу борада оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ўрнатиш масалаларига урғу берилди. Анжуманда қўмита фаолияти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёнида аграр соҳа қонунчилигини янада такомиллаштириш юзасидан қизғин савол-жавоблар бўлди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ҲИМОЯДА

**Саидали кўпқаватли уйнинг энг юқорисида яшайди. Ёғингарчиликда уйидан чакка ўтавериб, тоқати тоқ бўлди. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига мурожаатидан натижа бўлмагач, маҳалла идорасига чиқди.**

Раис Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоларини тўплаб, муаммони бартараф этиш йўлларини тушунтирди. Кўп ўтмай хонадон томи таъмирланди.

Ҳаммамиз ҳам истеъмолчимиз: кимдир рўзғор учун, кимдир шахсий эҳтиёж боис ҳар кун ниманидир харид қилади, турли хизматлардан фойдаланади. Баъзан истеъмолчи ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари кузатилади. Мазкур муаммонинг олдини олиш, истеъмолчи маданиятини ошириш, шунингдек, унинг манфаатларини ҳимоялаш борасида фуқаролар йиғинларида кўпгина самарали тадбирлар уюштириб келинмоқда.

Яккасарой тумани «Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғинида Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича комиссия низомига асосан қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Истеъмолчининг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан белгиланган, — дейди маҳалла ҳузуридаги комиссия раиси Комилжон Муҳаммадёров. — Шундай экан, буни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аммо баъзан хизмат кўрсатувчи билиб-билмай мижознинг манфаатларига зид иш тутиши, яроқлилик муддати ўтган озиқ-овқат ва шунга ўхшаш сифатсиз маҳсулотларни сотиши мумкин.

Ўтган йили ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда 20 дан зиёд тарғибот-ташвиқот тадбири уюштирган бўлсак, жорий йилнинг шу даврига қадар 6 марта ана шундай тушунтириш ишларини олиб бордик. Тадбирларда аҳолига, асосан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча беряпмиз. Хусусан, истеъмолчи харид қилаётган маҳсулотининг сифати ва яроқлилик муддатини текшириш, ишлаб чиқарган корхона ҳақида маълумотга эга бўлишга ҳақли экани, уни истеъмолга яроқлисига алмаштириб олиши мумкинлиги уқтириляпти.

Шунингдек, комиссия аъзолари ҳудуддаги хизмат кўрсатиш шохобчалари раҳбарлари ва ходимлари орасида ҳам тушунтириш ишлари олиб боришяпти. Уларга мижозга нисбатан қўпол муомалада бўлмаслик, яроқлилик муддати ўтган маҳсулотни сотувга қўймаслик, ноқонуний ҳаракати учун жазо муқаррарлиги ҳақида маълумот бериляпти.

— Бизга, айниқса, ХУМШлар фаолияти билан боғлиқ шикоятлар кўп тушади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Зулайҳо Сайдалиева. — Ҳудудимиздаги 35 та кўпқаватли уйдаги шарт-шароитларни яхшилашга масъулмиз. Аммо айрим уйларнинг ертўласида сув йиғилиши, баъзиларининг томидан чакка ўтиш ҳолатлари кузатилади. Бундай пайтда Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзолари билан келишиб, ХУМШ вакилларини чақириб, улар билан муаммони ҳал этиш чора-тадбирларини белгилаймиз.

Ҳозирча истеъмолчилардан келган аризаларнинг бирортаси беэътибор қолгани йўқ. Тўққиз қаватли уйларнинг ертўласида насослар алмаштирилиб, сув йиғилиб қолишининг олди олинди. Томлардаги муаммолар ҳам ХУМШ билан бирга бартараф этиляпти. Бу борада уйбошлиқлари бизга кўмакдош.

Ҳа, юртимизда инсон ва унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясида. Маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмолчилик маданиятини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# ЭГАСИЗ УЙГА МУЛК ҲУҚУҚИ

## у қандай вужудга келади?

САВОЛ: — *Ён қўшним анча йил илгари вафот этган. Унинг уйини қаровсиз қолдирмасдан ўн беш йилдан ортиқ вақт давомида ўз назоратимизда тутдик. Унинг қариндош-уруғлари, яқинлари йўқ. Бундан бу ёғига уйга қараш, уни доим таъмирлаб туришга бизда имкон қолмади.*

*Яқинда бундай уй-жойлар маълум муддатдан сўнг қаровчининг ихтиёрига ўтиши ҳақида эшитиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.*

С.АЙТБАЕВ.
Нукус шаҳри.

ЖАВОБ: — Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мулкка ўн беш йил давомида ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олиши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 187-моддасида мустаҳкамланган.

Кўчмас мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи юқоридаги муддат туфайли сизда шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Бунгача эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат боис мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари йўқлиги асосига кўра, эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаганлардан ҳимоя қилишга ҳақли.

И.ДАМИНОВ,
ҳуқуқшунос.

НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

# ОДОБ — ЭНГ ГЎЗАЛ ЛИБОС



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Юзларида баҳор қуёшининг нурлари балққан бир гуруҳ қизлар кўча бўйида турган Муборак аяга салом беришди-ю, унинг маъноли нигоҳидан бироз хижолат тортишди. Негаки, уларнинг кўпчилиги иффат, ибо каби бебаҳо фазилатларни йироқлаштирадиган кийимда эдилар...**

«Маҳалламиз қизларини ўзимиз эркалатиб, ўйинга тушириб юрардик. Уятчан қизлар эди. Бўй етгач, нега бундай бемаъни кийинишга журъат этишди экан-а!» Ая уларни дарҳол мулзам қилишни лозим топмай, афсус билан бошини силкитганича, жума куни мактабда бўладиган суҳбатда бу ҳақда гапириб, қиз боланинг энг ярашиқли либоси одоб ва ҳаё эканини тушунтиришни дилига тугиб қўйди.

Авваллари халқ орасида «бувисининг тарбиясини олган қиздан келин қилсам», «бобосининг тартибига ўрганган болани куёв қилсам», деган гаплар юрарди. Ёши улуғ отахон-онахонларимиз фарзанд тарбиясига вазминлик билан ёндашиб, баъзан эркалатиб, баъзан қаттиқ туриб одобли, имонли, ориятли йигит-қиз набираларни вояга етказган. Нуронийлар маслаҳат ва ўгитлари фарзанд тарбиясида асосий восита бўлган.

Айни пайтда бу каби хайрли мақсадларни давом эттиришни кўзлаб, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида «Нуроний жамоатчилик марказлари» тузилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши қошида «Фаол фахрий аёллар», «Ёшлар билан ишлаш» гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар маҳалла билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Юнусобод туманининг «Оқтепа» маҳалласи пойтахтимиздаги намунали йиғинлардан. 6,5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган бу ҳудудда нуронийлар кўмагига алоҳида эътибор қаратилади. Йиғин ҳузуридаги «Нуроний жамоатчилик маркази»нинг аъзолари маҳалла ҳудудидаги катта ҳаётий тажрибага эга отахону онахонлардан иборат. Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка йўл қўймасликда, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда, эрта никоҳларнинг олдини олишда уларнинг тажриба ва маслаҳатларидан фойдаланилмоқда.

Баркамол авлодни тарбиялашда «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги асосида ҳududдаги 274-умумтаълим мактабида нуронийлар иштирокида мунтазам тарзда ёшларни тўғри йўлга даъват этишга қаратилган тадбирлар ўтказиб турилади. Ҳафтанинг ҳар жумаси «Маънавият ва маърифат куни», деб эълон қилинган. Шу куни мактабда маънавият соатлари ташкил қилиниб, ўқувчиларга кексалар томонидан одоб-ахлоқ, тартиб-интизом ва инсоний фазилатлар сингдирилади.

Битирувчиларнинг мактаб кутубхонасига китоблар совға қилишлари анъанага айланган. Бундан ташқари, 9-синфни битириш арафасидаги ҳар бир ўқувчи учун нуроний жалб этилган бўлиб, улар боланинг дунёқараши, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, маслаҳатлар бериб борадилар.

Маҳаллада ўтказилаётган ҳашарлар, оммавий тадбирларда болаларнинг қадриятларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари шаклланиши бор гап. Ҳудудни ободонлаштиришда катталар ёшларга ўрнак бўлишаётир.

— Фарзандда кўникма ва малака ҳосил бўлгач, у иштиёқ билан ўша ишни мустақил бажара олади, — дейди «Оқтепа» маҳалласи «Нуроний жамоатчилик маркази» аъзоси Маҳмуд Отабоев. — Масканда фаолият юритаётган комиссиялар аъзолари биз каби нуронийлардан иборат. Нафақат ёшлар, балки катталарга ҳам керакли пайтда йўл-йўриқлар кўрсатамиз. Яқинда Яраштириш комиссиясига мурожаат этган икки оиланинг можаросини ижобий ҳал қилдик. Муаммога сабаб бўлаётган қайнона ҳам, келин ҳам шаштидан тушди.

«Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг «Фаол фахрий аёллар», «Ёшлар билан ишлаш» гуруҳлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди қошидаги «Қадрият» даврасибилан ҳамкорликда нуронийлар кўмагидан фойдаланиб, юртимиздаги бугунги тинчлик, осойишталик осонлик билан қўлга киритилмагани, бундай дориламон кунларнинг қадрига етиш кераклиги, хотира фақат уруш қатнашчиларининг эмас, барча аждодларимизнинг боқий тарихидан иборат эканлиги, Ватаннинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидек асраш лозимлигини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этаётир.

— Юртбошимиз бежиз тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамнафас яшаш даркорлигини таъкидламайдилар, — дейди «Оқтепа» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Нуроний» жамғармаси «Ёшлар билан ишлаш» гуруҳи аъзоси Гулчеҳра Каримова. — Бу ўринда ёши улуғ отахон-онахонларимизга суяниш энг тўғри йўл назаримда. Халқимизнинг боқий қадриятларини ўсиб келаётган авлодларга етказиб бера олсак, келажагимиз янада нурли бўлади.

...Маҳалла қизлари бир-бирини чақириб, ўқишга кетишмоқда. Улар бугун миллий либослар кийиб олишган. Қиёфаларида ўзбек қизларига хос ҳаё ва ибо акс этган. Муборак аянинг ибратли гапларидан тўғри хулоса чиқариб, энг гўзал либос одоб эканини теран англаганлари шундоқ кўриниб турибди.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

МАҲАЛЛА ФИДОЙИСИ

# ҲАР КУНГИ ФАОЛИЯТ БАХТГА ЙЎҒРИЛГАН

**Хива тумани Янгиобод шаҳарчасидаги кўптармоқли поликлиникада терапевт-шифокор Гулсара Каримованинг ҳурмати баланд. У узоқ йиллардан бери шаҳарча ҳудудидаги «Бунёдкор», «Гулистон», «Гулирайҳон» маҳаллалари аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.**

— Гулсарахон касбига чин дилдан меҳр қўйган шифокорлардан, — дейди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Саъдулла Отажонов. — У тажрибаси, билими, куч-қувватини меҳнатга бахшида этган, десак муболаға бўлмайди. Шифокорнинг: «Албатта, соғайиб кетасиз», дея ишонч билан айтган самимий сўзи беморга малҳам, далда.

Йиғинимизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ва бошқа фаоллар билан биргаликда она ва бола саломатлиги, эрта турмуш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришда алоҳида ташаббус кўрсатади. Айниқса, оила қуриш арафасидаги йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказишга жиддий ёндашади.

Яқинда бир воқеа содир бўлди. Қаранг-а, бу ҳақда биздан ҳам олдин Гулсарахон хабар топибди. Хорижга ишлаш учун кеттан бир йигит касаллик орттириб қайтган экан. Бундан бехабар ота-она тўй тараддудига тушибди. Гулсарахон йигитнинг тиббий кўрикдан ўтишини талаб қилди. Шифокорлар йигитни бироз муддат даволаб, касалидан халос бўлганидан кейин уйланиши мумкинлиги ҳақида ёзма маълумот беришди. Ҳозир у керакли муолажаларни оляпти. Энг муҳими, соғайишига умид бор. Қуда томон ҳам буни тўғри тушунди.

Гулсарахоннинг яна бир яхши одатини айтиб ўтмасдан бўлмайди. Аёллардаги камқонликнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларидан шаҳарчамиздаги маҳаллалар аҳли мамнун.

Гулсара опанинг умр йўлдоши Каримбой ака ҳам шифокор. Улар биргаликда тўрт фарзандни камолга етказишди. Нилуфар ва Шаҳноза ота-она касбини танлашган. Барно ва Бунёдбек — зиёкор. Муяссар Юсупова, Қувонч Мадримова, Муяссар Холмонова сингари шогирдлари ҳам устози сингари эл-юрт хизматига камарбаста.

Хоразмга Андижондан келин бўлиб тушган Гулсарахон гўзал воҳанинг асл дилбандларидан бирига айланди. Қадим юртнинг урф-одатлари, қадриятлари, бой тарихи унга худди дори-дармонлар тавсифидай маълум. Хоразмнинг ўзига хос палов, тухумбарак, шивитоши каби таомларини тайёрлашни-ку келин бўлиб тушган пайтларидаёқ қайнонасидан ўрганган эди. Ҳозир ўзи моҳир пазанда. Уйда меҳрибон она, маҳаллада фаол аёл.

Эртаю кеч маҳалладошларига холисона хизматлари уни ҳурмат-эътиборга сазовор қилди. Меҳнатлари муносиб тақдирланди. Ширинсўз, фидойи шифокор Гулсара Каримова «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси, «Соғлиқни сақлаш аълочиси», кўплаб «Фахрий ёрлиқ»ларга лойиқ топилган.

— Мен учун маҳалладошларимнинг ишончи, эътибори энг катта мукофот, бахт, — дейди у. — Уларнинг соғлиғи, чеҳрасидаги табассум касбимга меҳримни оширади.

Ҳа, кишилар дардига малҳам бўлиш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш чинкам саодат. Гулсара Каримова сингари шифокорларнинг ҳар кунги фаолияти мана шундай бахтга йўғрилган.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

# ТАРБИЯДА АНДОЗА ВА ИБРАТ ЗАРУР



< [1]

Унинг таркибида маҳаллада истиқомат қиладиган ҳуқуқшунос, психолог, ўқитувчилар ҳамда обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга зиёли инсонлар, намунали оила вакиллари бор. Йиғин ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси фаолиятимизга яқиндан кўмак бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, университет тизимида ўтказиладиган тадбирларнинг мавзулари ҳудуддаги мавжуд имкониятлардан ва муаммолардан келиб чиқиб белгиланади ҳамда аъзолар билан ҳамкорликда муҳокама этилади. Зарур ҳолларда айрим ота-оналарнинг ноўрин хатти-ҳаракатларини муҳокамага қўямиз. Долзарб ҳаётий масалалар юзасидан назарий билим бериш билан бирга, давра суҳбатларида баҳс-мунозара, эркин фикрлаш, савол-жавоблардан фойдаланишимиз таъсирли бўляпти. Маҳалламизда нотинч, ноқобил сифатида рўйхатга олинган оилалар сони камаймоқда.

Бугунги кунда Наманган вилоятидаги 889 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ана шундай жамоатчилик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий ва репродуктив саломатлиги тўғрисидаги билимларини ошириш мақсадида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» фаолиятини кучайтиришда ҳамкор ташкилотларнинг қўшма тадбирлари яхши самара беряпти.

— Университетлар ташкил этилгандан бери уюштирилган тадбирлар юзасидан иштирокчилар ўртасида сўровлар ўтказилиб, уларнинг натижалари мониторинг қилиб борилмоқда, — дейди вилоят ҳокимлигининг хотин-қизлар масалалари котибияти мудири Ҳилола Юсупова. — Жамоат кенгашлари томонидан ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга доир услубий қўлланма ва тавсиялар тайёрланиб, жойларга етказилмоқда. Маҳаллалардаги ноқобил, нотинч оилалардаги болаларнинг таълим-тарбияси билан алоҳида шуғулланиш ҳамда уларга ҳар томонлама ижтимоий кўмаклашиш кўламини кенгайтириш, «Бир болага етти қўшни ота-она» маънавий-маърифий тадбирларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш каби вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ҳамкорликда чора-тадбирлар белгиланиб, иш шу асосда ташкил этилмоқда. Шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг зарарли одатларга ўрганишига сабаб бўлаётган омилларга қарши манзилли профилактик тадбирлар амалга оширилаётир.

«Ота-оналар университет»лари таркибидаги обрў-эътиборли отахон ва онахонлар, тиббиёт ходимлари, ҳудудлардаги таълим муассасалари вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан қишлоқ ва маҳалла фуқароларида истиқомат қилаётган нотинч оилалар, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар, жиноятчилик, айниқса, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, шунингдек, вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш борасида жорий йилнинг ўтган даврида жойларда уч минг бир юздан зиёд тадбир, суҳбат ва учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу каби тадбирларни янада кучайтириш мақсадида жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамламоқдамиз.

Кейинги йилларда маҳалланинг ҳаётимиздаги тарбияловчи вазифаси шу қадар кенгаймоқдаки, натижада ҳатто «маҳалла» ва «тарбия» тушунчалари ёнма-ён ишлатилмоқда. Айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети»нинг ўзиёқ фикримизга яққол далил бўла олади. Бундай жамоатчилик тузилмалари фаолияти ота-оналар, ёш оила ва фарзандларнинг маънавий-аҳлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий билимларини ошириш механизми сифатида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Жамшид БЕК
«Mahalla»

ҲУНАРДАН БАХТ ТОПГАНЛАР

# ДУРАДГОРЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Бухоролик Истам Шарипов ёш дурадгор ҳунармандлардан. Ўзи яшаётган Ромитан тумани «Чандир» маҳалласида дурадгорлик устахонаси очган. Бу ерда дурадгор ўз шогирдлари билан 10 турдаги эшик, деразаромлари тайёрламоқда. Маҳсулотларининг сифати юқори, нархи нисбатан арзон.

Шунингдек, дурадгор И.Шарипов устахонада «устоз-шогирд» анъанаси асосида маҳалла ёшларини ўз ҳунарига ўргатмоқда.



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

МАСЛАҲАТЧИНИНГ ХОНАДОНГА ТАШРИФИ

# БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

**Муҳайё опа Учтепа тумани Юсуф Саккокий номидаги маҳаллада 33 йилдан бери истиқомат қилади. Узоқ йиллар ҳудуддаги 14-умумтаълим мактабида ёш авлод таълим-тарбиясига ўз ҳиссасини қўшган опа 2004 йилдан бери йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.**

— Маҳалламизда уч ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси М.Акромхўжаева. — Якка тартибдаги хонадонлардан иборат 17 та кўчанинг ҳар бирида одамлар нима ўй-ташвишда яшаётганию қандай юмушлар билан бандлигидан доимо бохабармиз. Бунда кўчабошилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани қўл келмоқда. Йиғинимизда ишсиз юрган катталар тугул касб-ҳунар коллежини битириб бекор юрган ёшлар ҳам йўқ. Аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисми давлат ва жамоат ташкилотларида, ҳудудда ташкил этилган тадбиркорлик субъектларида доимий иш билан банд. Бу эса, ўз навбатида, йиғиндаги маънавий муҳит барқарорлигининг омили бўлаётир.

Маслаҳатчи ўзи фаолият юритадиган ҳудудда нотинч, ноқобил оилалар мавжуд эмаслиги, шунингдек, ажримга йўл қўйилмаётганини фахр билан таъкидлади. «Қўшнинг ҳам уяси бузилмасин», дейди кексаларимиз. Юртимиздаги барча маҳалла мутасаддилари ва фаоллари каби мазкур йиғиндаги масъуллар ҳам оилалар тинчлиги, хотиржамлигини янада мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз изланмоқдалар.

М.Акромхўжаева оилалар билан ишлаш борасида камида психолог мутахассис эгаллаган билимдан бохабар бўлиш ва ундан унумли фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайди.

Бир оилада қайнона-келин ўртасида тушунмовчиликлар юз бераётганини фаоллардан эшитган опа аввал шароитни сўраб-суриштириб ўрганди-да, сўнгра хонадонга кириб борди. Бу оилада нуроний ёшдаги онахон энг кичик келини билан турарди. «Шу ердан ўтиб кетаётувдим, онахондан хабар олай, деб эшигингизни қоқдим», дея дарвозани очган келинга очиқ чеҳра билан юзланди опа. Онахон билан ҳамсуҳбат бўлгач, кетар чоғда: «Яхшиям сиз бор экансиз, ойингиз роса дуо қилиб ўтирибдилар. Қўни-қўшниларингиз олдин ҳам сизни жуда меҳрибон келин деб, алқашганини эшитиб, хурсанд бўлардим», деди ўзини кузатгани чиққан келинга. Кўнглига йўл топишга ҳаракат қилган маслаҳатчи олдида келин ўнғайсизланди, қайнонасига қилган баъзи қўполликларини ўйлаб, ич-ичидан хижолат чекди. Маслаҳатчи шу тариқа бу оилани орқаваротдан кузатишда давом этиб, қайнона-келин муносабатлари илиқлашиб қолганига ишонч ҳосил қилгач, хотиржам бўлди.

— Ёмонни ёмон десангиз, баттар қайсарлик тўнига ёпиниб олади, — дейди Муҳайё опа. — Яхши гап билан эса илон ҳам инидан чиқади. Шу боис аҳоли билан ишлашда, аввало, уларни тинглаш, ҳамдард бўлиш ва шундан кейингина тўғри йўл кўрсатишга интиламиз.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Яқинда идорага маҳалламизга қиз узатган хонадондан ота-она келди. Ташриф сабаби, хонадондаги қайнонабуви ва қайнона уларнинг қизларини чиқиштиришмаётганида экан. «Бу аҳволда қизимизнинг турмуши бузилмасайди, деб келувдик», дея шароитни тушунтирган ота-онани тинчлантириб, уйига жўнатдим. Шу заҳоти мазкур хонадонга отландим. Айни туш пайти бўлгани учун келин ошхонада овқат тайёрлаётган экан.

Қайнонабуви ва қайнонага юзланиб: «Қудангизни бир йиғинда учратиб қолувдим, қизимизни яхши жойга узатган эканмиз, билмаганини ўргатиб, камчилигини яшириб ўтиришибди. Айниқса, қайнонабуви невара келинига жуда меҳрибон экан, овқат пишириш, уй-рўзғор тутишларни эринмасдан ўргатаркан», деб сизларни роса мақтади, дедим. Ҳар иккала қайнонанинг юзи бирдан ёришиб кетди. Келинга эса алоҳида ёши улуғларни ҳурмат қилиб, дуосини олиш лозимлиги, кексайганимизда ҳар биримиз инжиқ феълли бўлиб қолишимиз тайинлигини, катталар бирор нарсани уқтирганида уларни қунт билан тинглаш ва айтганларига амал қилиш кераклигини таъкидладим.

Йиғинда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Каримова ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси бош мутахассиси Мусаллам Исмоилова билан ҳамкорликда маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш юзасидан қатор тушунтириш-тарғибот тадбирлари, давра суҳбати ва мулоқотлар ўтказиб келиняпти. Мазкур тадбирларда иштирокчилар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан маслаҳатлар олишмоқда.

Ҳа, маслаҳатчи ҳар бир хонадонга эзгу мақсадда — одамлар қалбига йўл топиш истагида қадам қўяди. Муҳайё опанинг оилалар билан ишлаш услуби эса оддий: хонадонларга муаммо чиққанида эмас, унинг олдини олиш учун кириб бориш лозим. Ана шундагина биз умргузаронлик қилаётган қадрдон оила — маҳалла тобора файзли, обод ва осойишта масканга айланиб бораверади.

Ф.ЭГАМОВА
«Mahalla»

ЯНГИЛИК

# Кекса дарахтнинг ёши аниқланди

**Гулобод қишлоғидаги улкан тут дарахтининг ёшини янгариқликлар аниқ айта олишмас, бироқ эл орасида юрадиган афсоналарга, кексаларнинг ривоятларига кўра, бу дарахтнинг ёши жуда қадим замонларга бориб тақаларди.**



Яқинда мутахассислар кекса тутнинг ёшини 400 йил, деб белгилашди. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ёши 100 ва ундан зиёд бўлган дарахтларга табиат ёдгорлиги мақомини бериш ва уларнинг муҳофазасини йўлга қўйиш мақсадида ўтказилган текширишлар натижасида Янгариқ тумани Гулобод қишлоғидаги қадимий дарахтнинг неча ёшга киргани аниқланди.

Кузатишлар жараёнида вилоят бўйича ёши 100 ва ундан зиёд дарахтнинг рўйхати шакллантирилди. Айни пайтда уларни асраб-авайлаш чоралари кўрилмоқда.

Феруза МУҚИМОВА.
Янгиариқ тумани.

# ПРИГЛАШЕНИЕ № 2013 — 08
# ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ Инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села.
## Выпущено: 4 мая 2013 г.
## Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня, 20 мая 2013

1. Для Республики Узбекистан предоставлен мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств Азиатского Банка Развития (АБР) на финансирование расходов по **«Программе строительства жилья для комплексного развития села» (ПСЖКРС)**. Средства, упомянутого выше, Займа будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для выше указанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям и условиям Соглашения о займе с Азиатским Банком Развития, включая Руководство по закупкам. Конкурсные торги открыты для участников торгов из стран, удовлетворяющих квалификационным условиям АБР.

2. Для участия в конкурсных торгах принимаются запечатанные пакеты по нижеуказанным лотам от правомочных оферентов тендера. Только правомочные участники тендера, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к тендерным торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов — с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам:

Ташкентский филиал
Адрес: г.Ташкент, ул. Навоий 18
Телефон: (8 371) 241-15-22
Факс: (8 371) 241-15-32

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежку из банка о невозмещаемой оплате в сумме 65 000 узбекских сумов. Языком торгов является русский язык и все контракты будут заключены на русском языке. Все разделы тендерной документации кроме Раздела 6, будут доступны также на узбекском языке, только для ознакомления.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов — соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Банковский счет
Ташкентского филиала
Банк: ОАКБ «Узпромстрой банк»
Ташкентской областной филиал
ИНН: 300017720
Р/с: 20210000704546027001
ОКОНХ: 84500

6. Форматы для документов, требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1, Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и документы, приведенные в следующих параграфах. Согласно ИУТ 11, Техническое и Ценовое конкурсные предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных конвертах, оба вложенные в одинь внешний конверт, который тоже должен быть запечатан.

7. Техническое конкурсное предложение должно содержать документы, перечисленные в ИУТ 11.2:

a) Письмо — техническое предложение, в соответствии с ИУТ 12 и 16;

b) Декларация об обеспечении тендерного предложения в соответствии с ИУТ 19 ;

c) Доверенность, уполномочивающая, подписывать Конкурсное предложение в соответствии с ИУТ 20.2;

d) Документальное подтверждение квалификации Участника торгов для выполнения контракта, в соответствии с ИУТ 17;

e) Техническое предложение в соответствии с ИУТ 16;

f) Другие документы в соответствии с Информационной таблицей торгов.

8. Ценовое конкурсное предложение должно содержать документы, перечисленные в ИУТ 11.3:

a) Письмо — ценовое предложение, в соответствии с ИУТ 12 и 14;

b) Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен, в соответствии с Информационной таблицей торгов, а также и ИУТ 11.3 и 14 ;

c) Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов.

9. В дополнение к оригиналу конкурсного предложения, нужно представить две копии конкурсного предложения, вложенные и запечатанные в отдельные конверты четко маркированные «Копия», которые должны быть в точности такими же, как и оригинал.

